

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 036/30.01.2020  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**БЕРДИМУРОДОВ УСМОН СУЮНОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономики сельского хозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
In agricultural economics sciences**

**Бердимуродов Усмон Суюнович**

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари самарадорлигини  
ошириш..... 3

**Бердимуродов Усмон Суюнович**

Повышение эффективности трудовых ресурсов в сельском хозяйстве  
..... 27

**Berdimuradov Usman Suyunovich**

Improving the efficiency of labor resources in agriculture..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 036/30.01.2020  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**БЕРДИМУРОДОВ УСМОН СУЮНОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3. PhD /Iqt254 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот–таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кодиров Абдусаторходжа**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Арабов Нурали Уралович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Қучқоров Ғайбулла Ғайзуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти**

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Phd. 036/30.01.2020 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел: (998 61) 233-60-47; факс (998 61) 233-60-78; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел: (998 61) 233-60-47; факс (998 61) 233-60-78; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилади.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Убайдуллаев Қ.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, и.ф.д.,  
профессор

**Алымов А.К.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
и.ф.ф.д.

**Досчанов Т.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Қишлоқ хўжалиги ҳар қандай давлат ва жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, озиқ-овқат хавфсизлиги ва иқтисодиётнинг бошқа турли соҳаларини хомашё билан таъминлашда муҳим тармоқ бўлиб ҳисобланади. Дунёнинг ривожланган давлатларида, кейинги йилларда инновацион технология ва селекция маҳсулотларининг кенг жорий этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг реал тармоқлари ва ижтимоий соҳалари ўртасида меҳнат ресурсларининг трансформациясига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Бундан ташқари шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллариининг ташкилий-таркибий иқтисодий ўзгариши ҳам меҳнат ресурслари тақсимоотида ўзига хос роль ўйнамоқда.

Глобал меҳнат ташкилоти (ILO) ҳисоботида кўра, ҳозирги даврда миллионлаб одамлар номуносиб меҳнат шартларига рози бўлишга мажбур, жумладан, "... аёлларнинг фақат 48 фоизи иш билан банд, демак, ишчи кучининг катта қисмини ташкил этувчи ушбу меҳнат ресурслари етарли даражада фойдаланилмай қолмоқда"<sup>1</sup> Шунингдек, жаҳонда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлариининг 12 фоизи оила томонидан бошқарилгани ҳолда, оилавий фермер хўжаликлари дунёда 75 фоиз қишлоқ хўжалиги майдонларини эгаллаган. Шу боисдан ҳам, таҳлилларнинг кўрсатишича, дунё миқёсида ишсизлик даражасининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Рақамли иқтисодиёт ва технологиялар татбиқ этилаётган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш стратегиясини янгилаш, замонавий касбларни кенг жорий этиш, инсон капиталидан самарали фойдаланиш, миллий кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ушбу йўналишларда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан мақсадли фойдаланиш асосида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бирига айланиб бораётганини таъкидлаш лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида "қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди... камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва

---

<sup>1</sup> Sarah K.Lowder, Jakob Skoet, Terri Raney. The Number, Size, and Distribution of Farms, Smallholder Farms, and Family Farms Worldwide. World Development Volume 87, USA 2016, Pages 16-29, Bartram D. International Labor Migration: Foreign Workers and Public Policy / D. Bartram – New York: Palgrave, Macmillan, 2005 – 199 p., Chiswich B. The Economics of Migration B. Chiswich – London: Glensanda House, 2005 – 399 p., New European Approaches to Long-Term Unemployment: What role for Public Employment Services and what Market for Private Stakeholders / ed. By G.D.Domenico, S.Spattiini –The Netherlands, 2006 – 300 p., Massey D.S. Social structure, household strategies, and the cumulative causation of migration / D.S.Massey // Population Index – 1990 – Vol. 56 -№ 1 – P 3-26.

самарадорликни кескин оширишди<sup>2</sup> деб таъкидланган. Шу боис, таркибий ислохотлар шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни мотивациялаш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналишларида илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарблик касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижий, МДХ олимлари томонидан ўрганилган, ишчи меҳнат қобилиятининг ривожланиши, меҳнат ресурслари самарадорлиги, улардан фойдаланиш захиралари, ижтимоий меҳнат муносабатлари, меҳнатни мотивациялаш, меҳнатнинг халқаро миграцияси, миграция сиёсати иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларининг маълум йўналишлари объекти бўлиб, Н.А.Волгин, Б.М.Генкин, В.Е.Гимпельсон, А.Г.Гранберг, Н.В.Гуськова, А.П.Егоршин, С.А.Карташов, Е.И.Капустин, И.Д.Мецуляк, Л.С.Чижова, И.В.Дерюгина, А.О. Борисенко И.В.Упорованинг<sup>3</sup> илмий изланишларида тадқиқ этилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь. №276-сон, 1-4 б.

<sup>3</sup> Волгин Н.А. Экономика труда: социально-трудовые отношения: Учебное пособие - М.; Экзамен, 2004 г. 206-735 ст., Генкин Б.М. Экономика и социология труда: Учебник для Вузов – М.; Норма: Инфра – М. 2007, 448 с., Гимпельсон В.Е. Нестандартное занятие в Российской экономике – М.; Изд.дом ГУВШЭ, 2006 – 399 с., Гранберг А.Г. Проблемы стратегии территориального развития России – М.: СОПП 2001 376 с., Гуськова И.В. Исследование безработицы и её экономических последствий в регионе: Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Н.Новгород 2003 – 24 с., Егоршин А.П. Управление персоналом. Учебник для Вузов – Н.Новгород. НИМБ - 2007 - 1100 с., Карташов С.А. Рынок труда: проблемы труда и управления – М.: Финстатин форм, 1998, 694 с., Капустин Е.И. Уровень, качество и образ жизни населения России. М.: Наука 2006., Мецуляк И.Д. Стратегия занятости, предотвращение безработицы. М.: Экономика. 1990., Занятость и рынок труда (под.ред. Чижовой Л.С. ) Наука 1998.; Дерюгина И.В. Сельское хозяйство мира: прошлое и будущее 1980–2010–2050. М.: Издательство «Перо». 2015. –128 стр.; А.О. Борисенко А. О. Совершенствование экономического механизма мотивации труда работников управления

Республикамизда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг айрим томонлари муаллифлар: Қ.Х.Абдурахмонов, А.М.Джураев, Г.А.Зуфарова, А.М.Қодиров, А.Қодиров, И.А.Бакиева, Г.Абдурахмонова, Ш.Р.Холмўминов, Н.У.Арабов, Қ.Мамараимов, Д.Н.Рахимова, Р.Х.Хусановнинг<sup>4</sup> илмий ишларида назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган.

Юқорида келтирилган олимларнинг қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари самардорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган илмий ишларининг назарий ва амалий жиҳатдан аҳамиятга эга эканлигини инкор этмаган ҳолда, бу муаммони бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда ўрганиб бориш, қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва унинг самардорлигини ошириш муаммоларининг илмий-назарий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу муаммо бўйича тадқиқотлар ўтказишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг ривожланишини, шаклланиш хусусиятларини илмий асослаш;

қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш услубиятларини аниқлаш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш;

қишлоқ хўжалигида меҳнатни рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш омилларини фойдаланишни такомиллаштириш;

---

сельскохозяйственных организаций. Автореф. диссер. на с. уч. ст. канд. экон.наук. Минск-2014. С. 29. Упорова И.В. Управление трудовыми ресурсами в контексте цифровой экономики. Экономика и управление. 2019;(1):78-86.

<sup>4</sup>Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / дарслик. Қаландар Абдурахмонов. Қайта ишланган ва тўлдирилган. 3-нашр. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. «FAN» нашриёти давлат корхонаси. Т.: 2019.— 592 б. Джураев А.М. Формирование и развитие социальной инфраструктуры села в условиях перехода к рынку. Автореферат докторской диссертации. Ташкент. 1993, 49 с., Зуфарова Г.А. Обеспечение занятости трудовых ресурсов и социальная защита в условиях переход к рыночным отношениям. Ташкент. 2001 Автореферат., Қодиров А. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижара ва ижара муносабатлари асосида хўжалик юриштишнинг самардорлигини ошириш йўллари. Тошкент. 1999. 93 бет., Bakieyva I.A. Mehnatni tashkil etish va boshqarish. O'quv qo'llanma.- Т.: IQTISODIYOT, 2019/-220 б., Меҳнат иқтисодиёти: ўқув қўлланма / Гулнара Абдурахмонова. – Т.: Innovatsion rivojlanish nashriyoti-matbaa uyi, 2020. 138 б., Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Фан ва технологиялар, 2016. –332б.; Хусанов Р.Х., Мамараимов Қ. Историко социально-экономические особенности использования трудовых ресурсов в сельском хозяйстве. Ташкент “YANGI ASR AVLODI” 2002, 333 с., Рахимова Д.Н. Управление процессами развития и использования радикальных рыночных реформ. Ташкент. ТашГУТ 2000 – 247 с., Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика и проблемы. Ташкент, “Узбекистан”, 1994, 72 с.

бозор муносабатлари шароитида қишлоқ жойларда меҳнат талаби ва таклифи мувофиқлигини ўрганиш ва асослаш;

қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни истиқболлаштириш;

фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда ер ва мулкӣ муносабатларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** республикада фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари ҳисобланади. Монографик тадқиқотлар Тошкент вилоятида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида амалга оширилган.

**Тадқиқот предмети** фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида диалектик ёндашув, абстракт-мантӣқий таҳлил, илмӣ абстракциялаш, таҳлил ва синтез, қиёсий таққослаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмӣ янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида ишчи кучига бўлган талабни бир ишчига тўғри келган қиймат ва натурал ҳолдаги маҳсулот таннархини умумий қиймат шакли индекси орқали аниқлаш услубияти такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишида таъсир этувчи (техник-агротехнологик, ташкилий, таркибий ва табиий) омилларини ўзаро боғлиқлиги ва таъсир даражаси зичлигини эътиборга олган ҳолда улардан комплекс фойдаланиш модели такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни кунбай ва ойлик иш ҳақини қатъий белгилаш орқали моддий манфаатдорлик механизми амплитификация қилиш орқали кучайтириш тизими ишлаб чиқилган;

деҳқон ва фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларининг бандлигини 2021–2025 йилларгача бўлган прогнози кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** иқтисодчи олимлар томонидан берилган иш кучи ва меҳнат ресурсларини ўрганиш асосида уларнинг бир-биридан фарқлари асослаб берилган. Иш ҳақларининг меҳнат сарфларига мутаносиб ўсиб бориши, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари бир тизимга келтирилган. Фермер хўжаликларида меҳнат ресурслари бандлиги ва фойдаланиш муҳитини шакллантиришда ер ва мулкӣ муносабатларни такомиллаштириш усуллари таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фойдаланилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статиска қўмитаси ва Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси расмӣ манбаларига таянилганлиги, монографик кузатув натижалари асосида олинганлиги, қўлланилган методик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда олинган илмий натижалар, хулосалар, ишлаб чиқилган тавсиялардан қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда, ишлаб чиқариш жараёнини таркибий жиҳатдан такомиллаштиришда, меҳнат ресурсларига бўлган талабни истиқболлаштиришда, шунингдек диссертация материалларидан “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш” фанларидан маъруза ва амалий дарслар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий-назарий хулосалари ва методик тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020-2025 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш Концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертацияда ёритилган қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-назарий хулосалар таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

қишлоқ хўжалигида ишчи кучига бўлган талабни бир ишчига тўғри келган қиймат ва натурал ҳолдаги маҳсулот таннархини умумий қиймат шакли индекси орқали аниқлаш бўйича услубий ёндашув таклифидан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган. (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 04/033-1256-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланиши натижасида Тошкент вилоятида фермер хўжалигида меҳнат ресурсларига бўлган талабни ортишига ва меҳнат ярмаркаларида қатнашганлар улуши 35 фоизга, ишга жойлашганлар улуши 28 фоизга ортган;

қишлоқ хўжалигида фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи техник-агротехнологик, ташкилий, таркибий ва табиий омилларини ўзаро боғлиқлиги ва таъсир даражаси зичлигини эътиборга олган ҳолда улардан комплекс фойдаланиш модели такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган. (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 04/033-1256-сон маълумотномаси). Натижада, фермер ва деҳқон хўжаликларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконияти яратилган;

фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларини кунбай асосида ва ойлик иш ҳақини қатъий белгилаш орқали рағбатлантириш механизmidан фойдаланиш таклифидан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган. (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 04/033-1256-сонли маълумотномаси). Натижада, Тошкент вилоятида фермер хўжаликларига меҳнат ресурсларининг жалб қилиниши 1,6 баробарга кўпайиши асосланган;

ўрта арифметик ва полиминал усулларида фойдаланган ҳолда деҳқон ва фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга

асосланган 2021–2025 йилларгача ишлаб чиқилган прогнозидан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган. (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 04/033-1256-сон маълумотномаси). Натижада, республикада ўрта муддатли истиқболда меҳнат ресурсларининг сони 1,2 баробарга ошиши башорат қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан республика нашрларида 7 та ва хорижий журналда битта мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 152 бетни ташкил этиб, ундан 15 та жадвал ва 22 та чизма ўрин олган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, диссертантнинг нашр қилган ишлари ва унинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг шаклланиши хусусиятлари ва улардан самарали фойдаланиш”**га бағишланган бўлиб, ушбу бобда меҳнат ресурсларининг эволюцион ривожланиши билан боғлиқ бўлган иқтисодчи олимлар томонидан баён этилган “ишчи кучи”, “меҳнат ресурслари”, “иқтисодий ресурс” ва “инсон капитали” тўғрисида ягона тўлиқ умумлашган фикр ва таърифнинг бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда йўқлигининг сабаби, “иш кучи” категорияси меҳнатга яроқли ресурсларни ифода этувчи ишчининг ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш асосида моддий бойликни яратишни ифодаласа, “меҳнат ресурслари” категорияси меҳнат қилишга яроқли бўлган шахсларни ифода этиши асослаб берилган.

Биз иқтисодчи олимлар томонидан иш кучига берилган таърифларни инкор этмаган ҳолда, иш кучи инсоннинг ўзида меҳнат қилиш қобилиятини ифодалашида ёки меҳнат ресурслари асосида ундан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишда, унинг самарадорлигини оширишда, меҳнат тежамкорлигини таъминлашда, иқтисодий-ижтимоий тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланишда ифодаланади, деб ҳисоблаймиз.

Республика аҳолисининг демографик кўрсаткичлари маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий таҳлил даврида республика умумий

аҳолиси 16,4 фоизга кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолисининг кўпайиши шаҳар аҳолисининг кўпайишига нисбатан 3,1 фоизга кўп бўлган. Республикада меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 30,2 фоизга, иқтисодиётда банд бўлганлар 16,4 фоизга кўпайган.

Меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг шаҳар аҳолиси орасида ўсиши шу давр ичида 7,7 фоизни ташкил этган бўлса, қишлоқ аҳолисида бу кўрсаткич 10,9 фоизни ташкил этган. Меҳнатга лаёқатли катталар бўйича бу кўрсаткич 10,9 ва 43,4 фоизни ташкил этган. Иқтисодиётда банд бўлган аёллар 2010-2019 йилларда 13,9 фоизга, эркеклар эса 27,2 фоизга кўпайган. Иқтисодиётда 2019 йил 1 январда банд бўлганларнинг 18,3 фоизи давлат муассасаларида, 81,7 фоизи нодавлат муассасаларида банд бўлган<sup>5</sup>.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоқларида бандлик даражаси 2010-2019 йиллар ичида 3118,1 мингдан 3543,3 минггача кишига ёки 13,6 фоизга кўпайган. Аммо қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишлаб чиқариш хўжалигининг асосий шакли бўлган меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ташкил этишнинг талабга жавоб бермаслиги фермер хўжаликларида меҳнатнинг тўғри ташкил этилмаганлигидир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий ҳуқуқий субъектлари бўлган фермер ишлаб чиқариш хўжаликлари 2010-2019 йиллар ичида 2,6 маротабага кўпайиб, 2019 йилда 151957 тани ташкил этган. Шулардан 148185 таси ўсимликшунослик, 3772 таси чорвачилик хўжаликлари ҳисобланади. Деҳқон хўжаликлари кейинги беш йил ичида иқтисодий таҳлил даврида 5,2 фоизга кўпайган.

Аммо иқтисодий таҳлил даврида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 2015-2018 йиллар ичида 76,6 фоизга кўпайган бўлса ҳам, унинг ялпи ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги ҳиссаси 32,2 фоиздан 26,0 фоизга камайган. Бунинг асосий сабаби меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланмаслиги ва фермер хўжаликларида 2015-2018 йиллар ичида умумий ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда 2,4 фоизга, шу жумладан, ўсимликшуносликда 2,5 фоизга, чорвачиликда 0,5 фоизга гектар бошига олинган ўсимликлар бўйича ҳосилдорликнинг пасайиши асосий сабаб бўлган.

Умуман 2010-2018 йиллар ичида фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони 20,6 минг гектарга, экин майдонлари эса 5,2 минг гектарга камайган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда етиштирилган маҳсулотнинг 99,8 фоизи нодавлат мулкига асосланган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 2010-2019 йиллар ичида фермер хўжаликларида ўсиши 2,6 маротабани ташкил этган.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ташкил этишда иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларининг ривожланишини белгиловчи иқтисодий-сиёсат талабларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат ресурсларининг сифатли тақсимотини танлаш таркиби (1-расм)да келтирилган.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статиска қўмитасининг № 01/06-06-20-469 маълумотиномаси.

Тошкент вилоятидаги меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 2018 йилда жами 77 меҳнат ярмаркаси ўтказилган бўлиб, 2019 йилга 96 тани ташкил қилган ёки 19 тага ортган. Ярмаркада қатнашган корхона ва ташкилотлар 2018 йилда 2178 та бўлса, 2019 йилда 3596 тани ташкил этиб, 785 тага ёки 28 фоизга ортган. Бўш иш ўринлар 2018 йилда 35323 та бўлса, 2019 йилда 48387 тани ташкил этиб, 13064 тага ёки 37 фоизга ортган. Ярмаркада қатнашган фуқаролар 2018 йилда 10760 нафар бўлса, 2019 йилда 14541 нафарни ташкил этиб, 3781 нафар га ёки 35 фоизга ортган. Ишга жойлашиш учун йўлланма олганлар 841 нафарга ёки 32 фоизга, ишга жойлашганлар 548 нафарга ёки 28 фоизга, касбга ўқитиш, қайта ўқитиш курсларига юборилганлар 61 нафарга ёки 54 фоизга, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилганлар 236 нафарга ёки 33 фоизга, маслаҳат олганлар 1388 нафарга ёки 16 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин.



**1-расм. Аҳоли ва меҳнат ресурслари таркиби<sup>6</sup>.**

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни аниқлашда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бўлган моддий-техника ва энергетика ресурсларидан фойдаланишни аниқлаш орқали жонли ва буюмлашган меҳнатлардан қанчалик самарали фойдаланилаётганлигини аниқлаш мумкин.

Ишлаб чиқаришга жалб қилинган меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни аниқлашда қуйидаги қўшимча иқтисодий кўрсаткичлардан

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси

фойдаланиш зарур:

- ўсимликшунослик тармоғининг айрим экинлари бўйича бир гектар ерга бўлган меҳнат харажати, иш куни, иш соатида ёки қиймати шаклида;

- ўсимликшуносликнинг айрим ўсимликлари бўйича ҳосил етиштириш билан боғлиқ бўлган айрим операцияларни бажариш учун сарфланган иш соати, иш куни ёки қиймати шаклида;

- чорвачиликда бир бош қорамолни гўштга етиштириш учун ёки бир сигирдан соғиб олинadиган сут учун сарф этилган иш соати, иш куни ёки сарф қилинган моддий ва меҳнат харажатлари қиймати шаклида ифодалаш мумкин.

Меҳнат ресурсларидан кишлоқ хўжалигида самарали фойдаланишда йиллик жорий харажатлардан фойдаланиш даражаси ҳам иқтисодий аҳамиятга эга. Жорий харажатлар кундалик кишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришда фаолият олиб бораётган деҳқонлар, механизатор ва мутахассислар фаолиятларини ташкил этиш билан ҳам боғлиқ.

*1-жадвал*

**Кишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни аниқлаш услубияти**

Иқтисодий кўрсаткичлар	Формула	Кўрсаткичлар
Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг натурал шаклида	$U_{чм} = M_x   M_c$	U- ишлаб чиқарилган маҳсулот; M <sub>x</sub> -ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот; M <sub>c</sub> -умумий меҳнат сарфи, иш вақти, иш куни ҳисобида.
Қиймат шаклида самарадорликни аниқлаш	$M_p = Q   M_c$	M <sub>p</sub> -қиймат шаклида; Q-яратилган маҳсулот қиймат шаклида, сўмда; M <sub>c</sub> -меҳнат сарфи, иш соати, иш куни ҳисобида, сўмда.
Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилинган меҳнат	$T = M_T   Q$	M <sub>T</sub> -маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетган меҳнат, одам/ соати ҳисобида; Q-ишлаб чиқарилган маҳсулот центнер ҳисобида.
Бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қилинган меҳнат сарфи	$M_{бир} = QR   M$	M-меҳнат сарфи натурал ҳисобида; QR-маҳсулотнинг натурал ҳолатида шартли айлантириш коэффициенти.
Ишлаб чиқаришга сарф қилинган ялпи меҳнат сарфи	$U_v = U_{mx}   A_{чм}$	U <sub>v</sub> -иш вақти; U <sub>mx</sub> -ишлаб чиқарилган маҳсулот; A <sub>чм</sub> -иш вақти одам/соат ҳисобида.
Умумий қиймат шакли индекси орқали самарадорлигини аниқлаш	$Y_u = \frac{Q_1 H_o}{B_1} \div \frac{Q_o H_o}{B_o}$	Y <sub>u</sub> -умумий индекс; Q <sub>1</sub> - режада ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, центнер ҳисобида H <sub>o</sub> -ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажми, центнер ҳисобида; Q <sub>o</sub> -режалаштирилган маҳсулот ҳажми, центнер ҳисобида; H <sub>o</sub> -режалаштирилган маҳсулот ҳажмининг қиймат ҳисобида, сўмда; B <sub>1</sub> -режалаштирилган сарф этилган вақт; B <sub>o</sub> -амалда сарф этилган вақт одам/соат ҳисобида.
Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда меҳнат бирлигига сарф қилинган умумий харажатларни базис давридаги меҳнат харажатларига нисбати.	$M = \frac{M_o Q}{B_1}$	M <sub>o</sub> -режа асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, центнер ҳисобида; Q - режалаштирилган маҳсулот ҳажми, центнер ҳисобида; B <sub>1</sub> -режалаштирилган сарф этиладиган вақт, одам/соат ҳисобида.

Меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш жараёнининг самарали бўлиши меҳнат ресурсларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнатнинг, шу жумладан жонли меҳнатнинг тақсимланиши ва ундан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосий моддий ресурсларидан бири техника ва технологиялар эканлигидан келиб чиққан ҳолда, улардан самарали фойдаланишни аниқлашда технологик самарадорлигини аниқлаш услубидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурслари самарадорлигини меҳнатларига нисбатан аниқлаш формулалари 1-жадвалда келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг иқтисодий ҳолати ва меҳнатни мотивациялашни ташкил этиш имкониятлари”** деб номланган. Иккинчи бобда республика бўйича 2010-2018 йиллар ичида демографик ва меҳнатга яроқли ресурсларнинг туб ўзгаришларини кўриш мумкин. Жумладан, доимий аҳоли сони 14,2 фоизга кўпайиб, қишлоқ аҳолиси шу давр ичида умумий аҳоли сонига нисбатан 49,5 фоизни ташкил этган. Республика бўйича иқтисодий фаол аҳоли иқтисодий таҳлил даврида 19,1 фоизга кўпайиб, 14641,7 млн. кишини ташкил этган. Меҳнатга лаёқатли меҳнат ресурсларининг ўсиб бориши аҳолининг такрор ишлаб чиқаришнинг ўсиб боришига ва ўлимнинг камайишига боғлиқ.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурслари иқтисодий таҳлил даврида 13,4 фоизга кўпайган бўлса, шу давр ичида фермер хўжаликларида меҳнат ресурслари бандлиги 26,4 фоизга камайган, деҳқон хўжаликларида бу кўрсаткич 10,1 фоизга камайган. Ишсизлар ҳам 2,1 баробарга кўпайиб, ишсизлик даражаси 9,3 фоизни ташкил этган. Иқтисодий таҳлил даврида аҳолининг кўпайиши минг киши ҳисобига 22,1 промилледан 23,3 промиллега кўпайган, ўлим эса шу давр 5,5 промилледан 4,7 промиллега камайган<sup>7</sup>.

Аҳолининг табиий кўпайиши 17,2 фоиздан 17,8 фоизга ўсган. Тошкент вилояти бўйича қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурслари иқтисодий таҳлил даврида 6,7 фоизга кўпайган бўлса, фермер хўжаликлари бўйича бу кўрсаткич 26,8 фоизга камайган, деҳқон хўжаликларида эса 11,9 фоизга кўпайган. Аммо ишсизлик даражаси ўзгармаган ҳолда 4,1 фоизни ташкил этган<sup>8</sup>.

Фермер хўжаликлари бўйича меҳнат ресурслари бандлигининг камайишига асосий сабаб фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш юқори даражада эмаслиги ва раҳбарларнинг касбий малакалари етишмаслигида, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий таҳлиил даврида республика бўйича меҳнат ресурсларининг ўсиши 104,0 фоиз, аҳоли бандлиги эса 103,7 фоизни ташкил этган бўлса,

<sup>7</sup> Ўзбекистон республикаси ижтимоий иқтисодий ҳолати 2018 йил. Тошкент – 2019. 257, 259-бетлар.

<sup>8</sup> Тошкент вилояти бўйича маълумотлар Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида аниқланган.

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида умумий бандлик 2015-2019 йиллар ичида 1,7 фоизга, Тошкент вилояти бўйича эса 3,8 фоизга камайган. Бунинг асосий сабаблари республика фермер хўжаликларида аҳолининг меҳнат билан бандлиги 20,6 фоизга, деҳқон хўжаликларида эса 19,5 фоизга камайганлиги бўлса, Тошкент вилоятида эса шу давр ичида фермер хўжаликларида иш билан бандлик 101,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги корхоналарида эса 128,8 фоизга, республика бўйича эса бу кўрсаткич 107,5 фоизга кўпайган. Тошкент вилояти бўйича деҳқон хўжаликларида бандлик шу давр ичида 28,0 фоизга камайган.

**2-жадвал**

**Республика иқтисодиётида бандликнинг ўсиши,  
минг киши ҳисобида<sup>9</sup>**

Кўрсаткичлар/ йиллар	2010	2012	2014	2016	2017	2018	2019*	2019 йил 2010 йил- ганисбатан, %
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	11628,4	12223,8	12818,4	13298,4	13520,3	13273,1	13541,1	116,4
Қорақалпоғистон Республикаси	580,8	600,2	621,0	638,6	647,2	705,2	711,2	122,5
<b>вилоятлар:</b>								
Андижон	1112,0	1176,3	1245,0	1297,7	1319,2	1266,8	1284,5	115,5
Бухоро	768,1	804,4	823,2	825,3	826,5	810,1	797,1	103,8
Жиззах	381,6	402,9	428,4	454,8	468,2	486,6	536,2	140,5
Қашқадарё	971,6	1036,6	1108,5	1180,9	1218,0	1222,0	1220,1	125,6
Навоий	407,9	418,5	420,6	421,8	422,4	407,7	412,7	101,2
Наманган	815,3	872,1	937,3	1001,4	1034,9	1051,5	1104,6	135,5
Самарқанд	1229,9	1314,4	1402,5	1485,1	1523,1	1463,3	1455,8	118,4
Сурхондарё	784,4	843,0	901,5	961,5	991,7	984,0	1024,3	130,6
Сирдарё	319,9	334,8	349,6	352,4	353,1	354,2	350,1	109,4
Тошкент	1155,4	1215,5	1272,4	1287,6	1289,6	1227,7	1232,9	106,7
Фарғона	1340,4	1398,8	1462,8	1508,3	1525,7	1451,0	1492,5	111,3
Хоразм	606,7	643,4	678,6	713,3	729,3	711,8	736,6	121,4
Тошкент ш.	1153,8	1162,2	1166,5	1169,7	1171,4	1131,2	1182,5	102,5

Республикада иқтисодий фаолият бўйича келтирилган бандлик бўйича маълумотлар (2-жадвал) таҳлилининг кўрсатишича, иқтисодий таҳлил даврида доимий аҳолининг иқтисодий бандлиги 16,4 фоизга кўпайган. Шу билан бирга айтиш лозимки, моддий бойликлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий бандликнинг 67,0 фоизи моддий неъматлар ишлаб чиқариш соҳалари билан боғлиқ бўлмаган. Бошқа турдаги хизматлар кўрсатишда бандликнинг ўсиши 2019 йилда 26,1 фоизни ташкил этган бўлиб, қандай хизматлар кўрсатилгани биз учун мавҳумдир. Давлат статистика қўмитаси меҳнат ресурслари иқтисодий бандлиги бўйича маълумотларни аниқ соҳалар бўйича берганда, тадқиқот олиб бориш жараёнида аниқ мақсадли таклифлар бериш мумкин бўлар эди.

Тошкент вилоятида 2018 йил маълумотларига асосан 16451 фермер хўжалиги 447052 га ерни эгаллаган, уларда 80550 киши банд бўлган. Бу иқтисодий кўрсаткич умумий бандликнинг 0,07 фоизни ташкил этган, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги

<sup>9</sup> Ўзбекистон республикаси статистика № 01/06-06-20-469 маълумотиномаси.

ПҚ-2460-сонли қарорига асосан, республика комиссиясининг 2016 йил 5 январь 01-0311-860-сонли йиғилиши баёнида “Қатор оралиғи 90 см кенгликда экилган пахтани етиштиришда қўлланиладиган 100 га ер майдонида 27 ц/га ҳосил олиш белгиланган” деб кўрсатилган технологик карта ишлаб чиқилган. Бундан бандлик механизаторлар бўйича 477,1 иш кунини, ишчилар бўйича эса 7753,7 иш кунини ташкил этади. Иш кунини 297 кун деб олсак, кунига 28 механизатор ва 1606 минг ишчи кучи билан таъминлаш лозим бўлади. Агарда агротехнологик тадбирларни амалга ошириш учун зарур шароит бўлса, фермер хўжаликларини соҳалар бўйича гуруҳлаштириш ҳозирги ҳолатда қўл меҳнатидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришида қишлоқ хўжалиғи техника ва машиналардан асосан 10162 фермер хўжалиғида фойдаланиш мумкин, қолган фермер хўжаликларида эса ишчи кўлидан фойдаланишга асосланган. Фермер хўжалик таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг 36,6 фоизи олий маълумотларга эга бўлса, 42,5 фоизи ўрта маҳсус ва 21,9 фоизи ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга эканлигидир.

### 3-жадвал

#### Тошкент вилояти турли хил фермер хўжаликларида ишловчи ишчи ходимлар тўғрисида 2018 йил ҳолатидаги маълумот<sup>10</sup>


Туманлар номи	Жами ишчилар сони, киши	Шу жумладан:				
		Пахта-ғаллачиликда	Сабзавот-ғалла-полизчиликда	Боғ-узумчиликда	Чорвачиликда	Бошқа йўналишларда
Оққўрғон	9730	8414	29	517	413	357
Оҳаргарон	4699	1585	2344	407	360	3
Бекобод	8685	7504	14	602	461	104
Бўстонлик	1629	628	81	528	367	25
Бўка	9016	7633	169	503	587	124
Куйичирчиқ	8147	7340	84	357	244	122
Зангиота	3533	1243	684	1089	485	32
Юқоричирчиқ	3248	2100	29	515	322	282
Қибрай	5335	2838	736	1535	199	27
Паркент	5839	1169	55	4034	569	12
Пискент	4989	4452	154	187	169	27
Ўртачирчиқ	5073	3794	229	657	325	68
Чиноз	4111	3411	139	267	237	57
Янгийўл	6516	4675	523	1074	203	41
<b>Жами</b>	<b>80550</b>	<b>56786</b>	<b>5270</b>	<b>12272</b>	<b>4941</b>	<b>1281</b>

Қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини ташкил этиш ўзининг хусусиятига эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўли малакали, ўз ишининг устаси бўлган иш кучлари билан таъминлаш ва меҳнат қилишнинг мавсумийлик даражасини қисқартириш ва меҳнат ресурслари билан таъминланиши 2-расмдаги таркибда бўлиши тавсия этилади. Қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришида банд бўлган меҳнат ресурслари таҳлили шуни кўрсатадики, кўпчилик ишловчиларни ёши 40дан ошганлар ташкил этиши келажакда бу тармоқнинг самарали ривожланишига салбий таъсир этишига олиб келиши

<sup>10</sup> Тошкент вилояти фермер хўжаликлари ассоциацияси маълумотлари асосида тузилган.



мумкин. Бунинг сабаби қишлоқ жойларида ижтимоий ва ишлаб чиқариши инфратузилмалари меҳнатни мотивациялаш талабига жавоб бермаслиги ва ишлаб чиқаришда инновацион янгиликлардан фойдаланмаслик ҳисобланади.



**2-расм. Меҳнат ресурслари билан хўжаликларни таъминлаш<sup>11</sup>**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш субъектларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш энг долзарб муаммо бўлиб, бизнес режаларида улардан фойдаланишни ифода этувчи асосий кўрсаткич “иш соати” кўрсаткичи орқали ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотни натурал ва қиймат шаклида ҳисоблаш таклиф этилган.

Шу билан бирга механизатор-техниклар ва суғориш ишлари билан шуғулланувчи миробларнинг меҳнатлари деҳқончиликда юқори даражада ҳосил олишдаги ролларни инкор этмаган ҳолда уларнинг меҳнатларини мотивация қилиш манфаатдорлигини таъминлаб туриши зарур. Иқтисодий таҳлил асосида қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларига таъсир этувчи омиллар 4-жадвалда гуруҳлаштирилган.

Шунинг учун инсон омилнинг моҳиятини биз қуйидагича баҳоладик:

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси

инсон омили ишчи кучини ишлаб чиқариш воситалари билан боғлиқликни ижтимоий-иқтисодий томондан қандай ҳолатни ифодалаган ҳолда қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларининг иш берувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

#### 4-жадвал

### Меҳнат ресурсларидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар<sup>12</sup>

Техник-агро технологик омиллар	Ташкилий омиллар	Таркибий ва табиий омиллар	Ижтимоий-иқтисодий омиллар
Агротехнологияни ривожлантириш. Янги чидамли серхосил ўсимлик навларини яратиш, юқори унумли техникалардан фойдаланиш. Чорва учун янги зотдор молларни яратиш, механизациялаштириш, меҳнатнинг қўлланиши фонд қайтимининг ўсиши, меҳнатни электр энергияси билан таъминлаш.	Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш. Ерларни шудгорлаш ва экин экишга тайёрлаш. Маҳаллий ва минерал ўғитларни экин майдонларига чиқариш. Зарур бўлган уруғликлар, мойлаш, ёнилғилар билан таъминлаш. Меҳнатни ташкил этиш, унинг нормаларини белгилаш ва ўлчаш.	Деҳқончилик таркибини аниқлаш. Чорвачилик таркибини аниқлаш. Паррандачилик таркибини аниқлаш. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш. Маҳсулот сифатига эътибор бериш.	Ишлаб чиқаришни ташкилий ва иқтисодий таҳлили қилиш. Ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш ва дам олиш учун зарур бўлган инфратузилмалар. Меҳнат ходимлари яшаш учун ижтимоий шароитлар. Меҳнат ҳақининг иш ҳақига мос келиши. Меҳнатни мотивациялаш омиллари: моддий, натурал, маънавий, ижтимоий.

Республика бўйича фермер хўжаликлари ва кичик тадбиркорлик субъектларида 2015-2018 йиллар ичида олий маълумотлилар сони 3 фоизга камайиб, 49412 кишини, ўрта махсус маълумотлилар 4,0 фоизга камайиб, 23074 кишини, ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотлилар 5,9 фоизга камайиб, 18254 кишини ташкил этган.



3-расм. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш<sup>13</sup>

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>13</sup> Муаллиф ишланмаси.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларидаги меҳнат оддий меҳнат эмас, балки мураккаб меҳнат бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини қишлоқ хўжалигида ташкил этишда уларнинг маълум илм-билим ва тажрибага эга бўлишларини талаб этади. Меҳнат ҳақи асосий омиллар тарихида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминласа-да, унга таъсир этувчи бошқа омиллар ҳам аниқланган (3-расм).

Тошкент вилояти Оққўрғон туманида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича 65 та фермер хўжалигида 14 саволдан иборат сўровнома ўтказилди. Сўровномада респондентларнинг 60,1 фоизи берилган саволларга “ха” деб, 30,5 фоизи “йўқ” деб жавоб берган, қолган 9,4 фоизи жавоб бермаган.

